

**ТАЪЛИМНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРДА
МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЗАРУРАТИ**

Алимжонова Мехринисо

Фарғона давлат университети мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6687619>

Аннотация. Мақолада таълимнинг глобаллашуви шароитида талабаларда маданиятлараро мулокот маданиятини ривожлантириши функциялари, педагогик тизими, унинг интеграцион, аксиологик, психолоик ва ташкилий-педагогик жиҳатлари таҳлил қилинганд.

Калим сўзлар: таълим, глобаллашув, маданият, маданиятлараро мулокот, психологик омил, ижтимоий синф, интеграцион алоқа, полиэтник жамият, мономаданият, полимаданият.

**У СТУДЕНТОВ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ
НЕОБХОДИМОСТЬ РАЗВИТИЯ КУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАТИВНОЙ
КОМПЕТЕНЦИИ**

Аннотация. В статье анализируются функции, педагогическая система, ее интеграция, аксиологические, психологические и организационно-педагогические аспекты развития культурно-коммуникативной культуры у студентов в условиях глобализации образования.

Ключевые слова: образование, глобализм, культура, культурализм, коммуникация, психологический фактор, социальный класс, интегративная коммуникация, политехническое общество, монокультура, поликультура.

**IN THE STUDENTS IN THE CONDITIONS OF GLOBALISATION OF
EDUCATION THE NEED TO DEVELOP CULTURAL COMMUNICATION
COMPETENCE**

Annotation. the article analyzes the functions, pedagogical system, its integration, axiological, psychologic and organizational-pedagogical aspects of the development of Culture-Communication Culture in students in the conditions of globalisation of Education.

Keywords: education, globalism, culture, culturalism, communication, psychological factor, social class, integrative communication, Polytechnic society, monocultur, polycultur.

КИРИШ

Олий таълим аста-секин бозор муносабатларининг тўлақонли субъектига айланиб, чегарасиз таълим тамойили асосида фаолият кўрсатмоқда. Бу эса унинг фаолият юритиши кўлами ва тузилмаси ҳамда вазифаларни фаол ўзгартиришга, янги молиялаштириш манбаларини эгаллашга, янги ўқитиш усулларини излашга, талабалар экспорти ва импортини амалга оширишга ва билимларни назорат қилишга ундамоқда. Олий таълим муассасаларининг фаолияти, бошқа давлатлар билан талаба ва таълим алмашинувлари, ҳамкорликда фаолият юритиш, методика алмашиш ва маданий муносабатларни йўлга қўйиш имкониятлари кенгайиб бормоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ҳам олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар негизида ёшларни хориж мамлакатларига юбориш ва сифатли таълим

олишлари учун шароит яратиш, таълим грантларини ташкил этиш, олий таълим муассасаларида ривожланган хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш улар билан талаба алмашиш, таълим туризмини ривожлантиришга доир ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Бундай шароитда замонавий кадрлар тайёрлашда мамлакатимизда фаолият юритаётган олий таълим даргоҳлари имкониятларидан ташқари, ривожланган мамлакатларнинг етакчи университетлари тажрибаларидан ҳам фойдаланиш самарадорлигини ошириш вазифалари юзага чиқмоқда. Жумладан, 2018 йилда АҚШда таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар сони 12,9 фоизга ўсди, 2018 йилда Кўшма Штатлардаги хорижий талабалар сони бир миллиондан ошиб, 1,5 фоизга кўпайди ҳамда 1,94 миллионлик янги максимумга етди. АҚШда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар сони ўтган йилга нисбатан 12,9 фоизга ошиб, 570 нафарни ташкил қилди. Уларнинг деярли 50 фоизи бакалавр даражасини олиш бўйича дастурларда, қолганлари магистр даражаси учун ёки даражасиз, тил ўрганиш каби йўналишларда таълим олади. Мана шундай таълим алмашинувлари ёшларда ривожланган мамлакатларнинг таълим тизими ва методикаси билан танишиш, у ерда таълим олигш, билим ва кўникмаларини ошириш имкониятини беради. Уларда илм-фаннинг сўнги янгилиуклари, фан-техника тараққиётининг ютуқлари ва ахборот технологияларининг чексиз имкониятлари билан танишишлари мумкин бўлади. Ривожланган давлатларда турли мамлакатлардан таълим олишга келган ёшларда мулоқот қилишда, қарашлари билан боғлиқ муносабатлар қарама-қаршилиги юзага келиши мумкин. Турли миллат ва элатлар, эътиқодлар ва маданий ўзига хос хусусиятга эга қатлам вакиллари билан маданиятлараро мулоқот қоидалари бўйича муносабат ўрганиш зарурати талабаларда маданиятлараро мулоқот компетентлигини ривожлантиришни талаб этмоқда.

Маданиятлараро мулоқот вазиятларида кишилар кўпинча ўзларининг коммуникатив феъл-атвор моделларини ўзгартириб, сухбатдошларининг мулоқот моделига мослашадилар. Бунда коммуникация усулининг ўзгариши бамайлихотир, эркин мулоқот чоғига ёки сухбатдошлар ўртасида катта фарқ кузатилмаган ҳолатларга нисбатан тезроқ юз беради.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Таълимнинг глобаллашуви шароитида талабаларда маданиятлараро мулоқот компетентлигини ривожлантиришга доир мазкур тадқиқот ишининг ўрганилганилик даражасини уч қисмга – Ғарб мамлакатларида, МДҲ мамлакатларида ва Ўзбекистонда ўрганилиши кеби қисмларни бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ғарбда маданиятлараро мулоқот ва маданий муносабатлар жараёнининг илмий-педагогик жиҳатларини Д.Грин, М.Ли, Р.Сколлан, Д.Феилдс, Г.Бланчард, И.Бендер, Н.Жексон, Ҳ.Ланд, Ж.Метюситс, Ф.Роубин, Ж.Спендолини, М.Зайрий, Д.Хенс, С.Маргинсон, М.Венде, З.Саригил, Э.Каракоч, А.Робинсонкаби олимларнинг тадқиқот ишларида таҳлил қилинган.

МДҲ давлатларида маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш муаммоси Л.Полешчук, Н.Швитс, Б.Туребаева, А.Аксентьев, Ю.Антонян, М.Давитадзе, Л.Максакова, В.Петришев, П.Полян, В.Ремарчук, Е.Степанов, А.Таксанов, В.Тишков, В.Шаповалов каби олимлар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда маданиятлараро мулоқот жараёнининг илмий-педагогик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатларини З.Азимова, О.Мусурмонова, Д.Рўзиева, З.Салиева, Б.Ходжаев, М.Қурунов, Т.Эгамбердиева, Н.Эгамбердиева каби олтимлар томонидан ўрганилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Олий таълим бошқарувида халқаролашувни таъминлаш янги минг йилликдаги олийгоҳларнинг долзарб вазифаларидан бирига айланади. *Жанубий Кореяning Пусан Чет Тиллар Университети профессори ҳамюртимиз Азамат Акбаров фикрича*, «Олий таълим тизимининг жозибадорлиги халқаролашув даражаси билан исбот қилинади. Сўнгти 41 йил ичида дунёда халқаро талабалар сони 8,3 баробар ошди ва улар сони қарийб 5 миллион кишига етди. ЮНЕСКОнинг башоратларига кўра, 2025 йилга бориб, хорижий талабалар 7 миллионга етади. Олий таълимни халқаролаштириш қисқа вақт ичида максимал иқтисодий фойда келтириб, мамлакатнинг геосиёсий мавқенини мустаҳкамлайди. Масалан, 2013–2014 ўкув йилида Франция чет эллик талабаларни жалб қилиш учун ажратилганидан 1,5 баробар кўп пул топди: стипендия ва субсидиялар учун 3,5 миллиард доллар сарфланди, чет эллик талабалар эса яшашлари, йўл харажатлари ва саёҳатлари учун 5,4 миллиард доллар сарфлашган. 2014–2015 йиллар мобайнида чет эллик талабалар Буюк Британия университетларида ўқиш учун 4,8 миллиард доллар тўлашди, турли хил товарлар ва хизматлар учун улар бунга қўшимча яна 5,4 миллиард доллар сарфлашди ва бу билан 207 минг иш ўрнига имкон беришди». Сўнги йилларда Осиё давлатлари ҳам олий таълим муассасаларини халқаролаштириши ва бу орқали талабаларар таризмини ривожлантиришига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Чет эллик талабалар мамлакат иқтисодиёти учун фойда келтириши билан бирга таълим алмашинуви, маданиятлар мулоқоти ва таълим трансформацияси рўй беради. «2020 йилга келиб Хитой чет эллик талабалар учун Осиёдаги энг жозибали жой бўлишни режалаштироқда – ҳукумат режасига кўра 500 минг чет эллик талабалар Хитой университетларида ўқиши керак. Россия Федерацияси президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш бўйича кенгаш 2017 йил май ойида Россия олий ўкув юртларида тўла муддатли чет эллик талабалар сонини уч баробар ошириш вазифасини маъқуллади: 2017 йилда 220 минг талабадан 2025 йилда 710 минггача. Туркияда 115 минг хорижий талаба бор». Бироқ кейинги йилларда Туркия чет давлатлардан келадиган талабалар сонини 350 мингга олиб чиқиши режалаштираётганлиги ҳам таълимни халқаролаштиришнинг нақадар долзарб вазифалардан бирига айланганлигини намоён қиласди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий олий ўкув юртлари филиаллари кўпаймоқда. Жумладан, Вебстер университети (АҚШ) ҳамда “Yeoju Institute of Technology” (Корея Республикаси), Кремс университети (Австрия), Урал Давлат иқтисодиёт университети (Россия), Амести университети, Шарма университети (Хиндистон) филиаллари очилди.

Нима сабабдан жаҳон миқёсида чет эллик талабаларни жалб этишга турли мамлакатларда интилиш юқори? деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бунинг сабаби оддий. «Ривожланган мамлакатларда таълим хизматлари экспорти чет эллик ўқиши муддати давомида таълим учун тўлов ва бошқа харажатлар эвазига миллиардлаб даромад келтирмоқда. Таълим хизмати экспорти янги, юқори маошли иш ўринларини яратади ва

давлат даромадини оширади. 2010 йилда АҚШда чет эллик талабаларга таълим беришдан тушган даромад тахминан 20 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Буюк Британияда бу соҳадан келадиган давлат бюджетига тушумлар миқдори автосаноат, ҳатто молиявий хизматлар улуши-дан ҳам кўпроқдир. Австралияда эса чет эллик талабаларга (уларнинг сони 200 мингдан ортади) кўрсатиладиган таълим хизматларидан келадиган даромад олтин қазиб чиқаришдан бир оз ортда бўлиб, тўртинчи ўринда туради.

Мамлакатимизда маданиятлараро мулоқотда толерантликни ривожлантириш учун турли мамлакатларнинг маданий марказлари билан ҳамкорлиқда ёки кўплаб мамлакатларнинг лойиҳалари асосида таълимий ёки маданий тадбирлар мунтазам ташкил этиб келинади. Жумладан, Инноваци вазирлиги Британия Кенгашининг «Creative Spark» лойиҳасида мамлакатимиз университетларида таълим олаётган талабаларга ушбу халқаро тадбирда қатнашиши учун имконият яратди. «Creative Spark» Буюк Британия ҳамда Марказий Осиё давлатларининг университетлари, таълим муассасалари ўртасида фаол тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш бўйича халқаро алоқаларни ривожлантиришга қаратилган беш йиллик дастур бўлиб, талабаларда фаол тадбиркорлик ва ташаббускорлик кўнималарини шакллантирган ҳолда жамиятни креатив ривожлантиришга хисса кўшишни асосий мақсад қилиб олган. «Креатив иқтисод юртимиз учун янгилик бўлгани боис бу кўнималарни маҳаллий олий таълим муассасалари талабалари ичида кенг тарғиб қилишда Инновацион ривожланиш вазирлиги яқиндан кўмак бериш баробарида тренинглар, ўқув ва амалий машғулотлар, маҳорат дарслари ўтказишида кўмак беради. Талабалар дарсларда фаол тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун амалий кўнималарни кўлга киритиб, келгусида юртимизнинг ижтимоий-иктисодий равнақига ўз хиссаларини кўшиши мақсад қилинган. Лойиҳа давомида «London Metropolitan University» ходимлари ва ҳамкор ташкилотлар мутахассислари томонидан фаол тадбиркорлик лойиҳаларини тайёрлаш бўйича тренинглар ташкил этилди. Тренингларда фаол қатнашган талабалар ўз стартап лойиҳаларини махсус комиссияга тақдим этадилар. Мана шундай тадбирларда маданиятлараро мулоқотни яхши ташкил этилганлиги, ёшларда маданий муносабатларга толерантлик шаклланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда мамлакатлар ўртасидаги маданий тадбирларнинг ҳам бош мақсади маданий қадриятлар алмашинувига эришиш билан бирга маданиятлараро мулоқот ва муносабатларни илиқлаштириш, яхшилаш ва яқинлаштириш ҳисобланади. Мана шундай жараёнда ҳар бир мамлакат ёшларининг маданиятлараро мулоқот компетентлигини ривожлантириш муҳим аҳамият тақсаб этади.

Хорижий олий таълим муассасалари билан академик алмашинув ва тадқиқот олиб бориш дастурлари бўйича халқаро ҳамкорлик олий таълимни байналмиллаштириш муваффақияти ҳисобланади. Бу борада Темпус, Эразмус Мундус, Германия академик алмашинув хизмати (DAAD), Британия консуллиги, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ва бошқалар билан арзигулик ишлар амалга оширилди. Мазкур дастурлар бўйича 2010-2011 ўқув йилида 400 дан ортиқ талабалар, аспирантлар хорижда ўқишган бўлса, 450 дан ортиқ профессор – ўқитувчилар хорижда малака ошириб қайтишди. Бу эса 2009-2010 ўқув йили-га нисбатан бу йўналиш бўйича талабаларнинг 35% га, профессор-ўқитувчилар 63% га ошган-лигини кўрсатади. Таълим соҳасидаги халқаро муносабатларнинг ривожланиши халқаро илмий тадқиқот

марказлари ва фондлари томонидан молиялаштириш натижасидир. Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг хорижий илмий тадқиқот марказлари ва фондлари ҳисобидан олинган грантлар миқдори олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқий фаолиятларини молиялаштириш умумий қийматининг 27,8%ини ташкил этади.

МУҲОКАМА

Биз олий таълим халқаролашувига **транснационал таълим** деб аташ ҳақидаги П. Лутфуллаевнинг фикрлари баҳсли деб ҳисоблаймиз. Шу маънода мамлакатимиздаги Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Москва давлат университетининг Тошкент, Сингапур менежмент институти филиаллари, Турин политехника университетини транснационал таълимга яққол мисол бўла олмайди. Транснационал таълим ўз моҳиятига кўра кенгмиқёсли, таълим хизматини бир давлатга эмас, балки бир қатор дунё давлатларига кўрсатишини назарда тутилади. Шундай қилиб, таълим тизими бизнеснинг оммавий шаклига айланиб олий таълим дунё мамлакатларига юксак таълим сервисини кўрсата бошлади.

Дунёда мамлакатлар ижтимоий тараққиётида ва иқтисодий барқарорлигида сифатли олий таълимнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олий таълимга катта умид боғлаб, улардан иқтисодиётнинг ўсиши ва билимлар жамиятининг шаклланишига ёрдам берувчи кенг кўламли вазифаларни амалга оширишни талаб қилмоқда. Анъанавий таълим, илмий-тадқиқот ва инновация фаолияти билан бир қаторда олий ўқув юртлари мамлакат тараққиётида кенг иштирок этишга ҳамда интеллектуал ва инновацион салоҳиятининг узлуксиз ўсишини таъминлашга қақирилмоқда.

Таълимнинг глобаллашуви шароитида кўплаб мамлакатларда олий таълим мазмунини халқаро даражага қўтариш, модули таълимни ташкил этиш, ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш асосида бўлажак мутахассисларнинг компетентлигини такомиллаштириш масалалари алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, «Олий таълимнинг Евropa майдони» каби интеграцион жараёнлар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлиши ҳозирги вақтда олий таълим бир мамлакат доирасида ривожлана олмаслигини кўрсатмоқда. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг олий таълимни янги босқичга олиб чиқиши бўйича олиб борган ишлари жамланиб, «Олий таълим: тажриба сабоқлари» баёнотида даромад даражаси ўртача бўлган давлатларда таълимга инвестицияни ошириш, талабалар алмашинувини йўлга қўйиш, бошқа давлатлардан ўқишини истаганлар учун шарнома асосида таълим олиш имклониятини яратиш катта самара беришини илгари сурган ҳолда, энг асосийси, олий таълимга маблағларни инвестиция қилиш бўйича кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар зарурлиги ҳам эътироф қилинди. Унда мамлакатларни ҳар томонлама ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш учун олий таълимнинг аҳамиятини бутун тафсилотлари билан кўриб чиқилган ва тадқиқот институтлари томонидан таклиф қилинаётган таълим стратегияларини тажрибадан ўтказиш зарурати алоҳида таъкидланган. Мазкур баёнотда асосий эътибор жаҳон даражасидаги ОТМларни барпо қилиш, олий таълимнинг рақобатбардошлигини кенгайтириш ва глобал таълим муҳитни яратиш мамлакатни ривожлантиришга таъсири масалаларига қаратилган. Жаҳоннинг энг яхши олий таълим муассасалари рўйхатида етакчи ўринни эгаллашга интилган турли мамлакат хукуматлари ва академик доиралари

замонавий дунёда таълимнинг мақсади ва ўрни ҳақида янги тасаввурларни ишлаб чиқишига ҳаракат қила бошладилар. Бугунги кунда айrim мамлакатлар таълим тизими фақат маҳаллий ёки миллий манфаатларга хизмат қилишларидан қониқиши хис қилмаётганлигини таъқидлашга ўтмоқдалар. Олий таълимнинг ривожланиши учун уларни қиёслаш имкониятини берувчи индикаторлар борган сайин кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда жаҳон миқёсидаги ОТМлар – нафақат сифатли таълим берувчи, интеллект ва маданиятни ривожлантирувчи олий ўкув юртлари – улар ғурур ва ифтихор манбаига айланди, чунки мамлакатлар ўз ўкув муассасалари статусини бошқа давлатларники билан солиштириб баҳолайдилар.

Ўтган ўн йилликда «глобал таълим муассасалари» атамаси нафақат ўқитиш ва илмий тадқиқотлар сифатини ошириш учун, балки энг муҳими, ўзлаштириш, мослаштириш ва глобал таълим бозорида талабалар алмашинувини кенгайтириш учун иборага айланди. Жаҳон миқёсидаги ОТМларнинг парадокси шундан иборатки, «ҳар ким бундай таълим муассасаалрини яратишни хоҳлайди, аммо ҳеч ким унинг нима эканлигини ва қандай қилиб унга ташкил этиш мумкинлигини билмайди». Ҳозирда ёшлар ўзлари учун иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган энг яхши ўкув юртларига ўқишига киришига интилоқда, хукуматлар эса таълим муассасаларига киритган сармоялари даромадларини максимал даражада оширишга интилоқда. Бунинг учун эса, энг самарали йўл халқаро миқёсида таълим грантларини ишлаб чиқиши ва чет давлатлардан кўпроқ талабалар келишига ва таълим олишига эришиш ҳисобланади.

Таълимнинг глобаллашуви натижасида олий таълим муассасалари «илм-фан асоси» ва «умумий маданият муассасаларига» айланмоқда. Янгича ёндашувларга кўра, олий таълим шакли ўз лигитимлигини таълим олиш ва тадқиқот, жараён ва натижа, институционаллик ва индивидуаллик синтезини амалга оширувчи маданиятдан олади. Шу билан бирга таълимнинг глобаллашуви мамлакатлар учун маданиятлараро муносабатлар, қарама-қаршиликлар юзага келадиган, тўқнашадиган майдонга ҳам айланмоқда. Шундай экан, бугунги кунда олийгоҳлар жиддий чақириқларга дуч келмоқда: таълимни оммавийлаштириш; илм-фан ва таълимни тижоратлаштириш ва хусусийлаштириш; таълимда хизмат кўрсатиш бозорини глобаллаштириш кабиларни киритиш мумкин. Таълимни оммавийлаштириш олдин ўрта таълим тизимидағи таълим инқилоби натижасида рўй берган бўлса, кейинчалик эса у олий таълим тизимиға тарқалди. Таълим инқилоби таълимнинг барча даражасида талабалар сонининг мислсиз кенгайишини англатади. У ҳар бир олийгоҳ ўқитувчисига тўғри келадиган талабалар сонининг ошишига олиб келди ва таълим муассасалари ичидаги шахслараро коммуникацияни жиддий равища қийинлаштириди.

Таълимнинг глобаллашуви шароитида олий таълим муассасаларининг мақоми. Бугунги кунда «академик глобаллашув» натижасида олий таълим муассасалари чет давлатлардан келаётган шартнома асосида таҳсил олаётган талабалар учун қурашда фаол иштирок этишига унダメқда. Янги рақобат муҳитида олий таълим муассасалари томонидан ўрнатилган тартибга солиш тизимининг хусусиятларини ва уни ислоҳ қилишнинг мавжуд тартибга солиш тизимининг хусусиятларини ва уни ислоҳ қилишнинг сабабларини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади. Таълимнинг глобаллашуви

шароитида чет мамлакатларда таълим олиш анча осонлашди. Бу эса глобал талаба алмашинуви ва ҳамкорлик алоқаларининг кенгайишига имкониятларни кенгайтирди.

Таълимнинг глобаллашуви шароитида олий таълим муассасаларининг мақомини қўйидагича таснифлаш мумкин.

а) бутун фаолиятларида илмий ҳамда интеллектуал этика ва талабчанликни ҳамда ўзининг асосий вазифаларини сақлашлари ва кенгайтиришлари;

б) ўзига хос интеллектуал обрўга эга бўлиб, тўлиқ мустақиллик ва масъулият билан этикага оид маданий ва ижтимоий муаммолар бўйича ўз фикрини баён этиш имкониятига эга бўлиши;

в) универсал тан олинган қадриятларни, жумладан тинчлик, адолатлилик, эркинлик, тенглик ҳамда ҳамфирликни ҳимоя қилиш ва фаол оммалаштириш учун ўз интеллектуал имкониятлари ва маънавий-ахлоқий обрўсидан фойдаланиши;

г) ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуаси сифатида қабул қилинувчи тўлиқ имкониятлардан фойдаланиш, шу билан бирга жамият олдида тўлиқ жавобгар бўлиши ва ҳисоб беришга бурчли бўлиши;

д) мамлакатлар ва жаҳон ҳамжамиятининг фаровонлигига таъсир кўрсатувчи муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга кўмаклашишда маълум даражада роль ўйнаши керак.

Бу эса, маданий муносабатларнинг кенгайиши, маданиятлараро мулокотга киришишда талабаларда маълум бир кўникмаларни шакллантириш зарурати юзага келди. Шу билан бирга кўплаб давлатларда хорижда таълим олиш учун талабаларни қўллаб-қувватлашга оид грантлар ва моддий раҳбатларнириш ишлари молиялаштирилмоқда. Хорижда ўқиш учун молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириб бориш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Скандинавия мамлакатлари, Австрия, Греция ва Голландияда хорижда даражага олиш бўйича тўлиқ дастурни ўқиётганлар учун талабаларга ёрдам тизими жорий этилди ёки жорий этилмоқда. Фландриядаэътироф этилган Голландия олий таълим муассасалари томонидан таклиф этилаётган дастурлар бўйича давлат кўмагини олиш имконияти мавжуд.

ХУЛОСА

1. Турли маданият вакиллари орасидаги ўзаро алоқа, мулокот бўлиб, унда кишилар ўртасидаги билвосита алоқа, шунингдек, коммуникациянинг билвосита шакли (тил, нутқ, ёзув, электрон мулокот) маданиятлараро мулокот саналиши келиб чиқди.

2. Маданиятлараро мулокот жараёнига маданият фарқлари билан бирга, мулокотчиларнинг ёши, жинси, касби, ва ижтимоий мақоми, шунингдек, унинг сабр-бардоши, улдабуронлиги ва шахсий тажрибаси ҳам таъсир кўрсатади.

3. Маданиятлар ўртасидаги алоқа маданият ва субмаданият шаклида намоён бўлади. Бугунги шароитда маданият алоқалар инсон ҳаётининг турли соҳаларидан – туризм, спорт, шахсий алоқалар ва таълимнинг лобаллашуви натижасида талабалар алмашинуви натижасида намоён бўлмоқда.

4. Маданиятлараро алоқаларда, айниқса, кўпмиллатли давлатлар ичida бир пайтнинг ўзида этник таркибни бошқарадиган маъмурий-давлат шаклларига эга бўлган ва бундай шаклларга эга бўлмаган катта ва майда миллатлар иштирок этади. Бунда сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этадиган ва маданий жиҳатдан шаклланган халқлар майда миллатларга нисбатан ўзаро алоқа жараёнига қўпроқ таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

5. Жаҳондаги тарихий жараёнларда азалдан бир-бирига зид, аммо бир-бирини тақозо этган ва teng асосга эга икки майл – бир томондан, маданиятларнинг мулоқотга, яқин муносабатларга интилиши, иккинчи томондан, уларнинг этномаданий ўзига хослигини сақлашга, ташки таъсирдан ҳимояланишга интилиш хос бўлган. Аммо бизнинг давримизла бу анъаналар зиддиятли кўриниш касб этаётгани билан хатарлилиги келиб чиқмоқда.

6. Бугунги кунда ҳар бир миллатлар ҳаётида «мультикамаданият», «полиэтниклик», «мономаданият» ва «полимаданият», «маданиятлараро диалог» каби жараёнлар кечеётган бир вазиятда маданиятлараро мулоқотда қарама-қаршиликлар, тушунмовчиликлар, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа зиддиятларнинг пайдо бўлмаслигини ҳеч ким кафолатлай олмаслиги маълум бўлмоқда.

7. Маданиятлараро мулоқот макромаданият ва микромаданият даражаларига ажратилиди. Макромаданиятлар ҳам ўз навбатида субмаданиятлардан, яъни маълум жамият ичидаги ўзига хос маданий хусусиятларига эга бўлган турли ижтимоий гурухлар маданиятидан таркиб топади. Бундай маданиятга микромаданият дейилади.

8. Мамлакатлар ўртасидаги маданий тадбирларнинг ҳам бош мақсади маданий қадриялар алмашинувига эришиш билан бирга маданиятлараро мулоқот ва муносабатларни илиқлаштириш, яхшилаш ва яқинлаштириш ҳисобланади. Мана шундай жараёнда ҳар бир мамлакат ёшларининг маданиятлараро мулоқот компетентлигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

9. Олий таълимнинг ривожланиши учун уларни қиёслаш имкониятини берувчи индикаторлар борган сайин қўпроқ аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда жаҳон миқёсидаги ОТМлар – нафақат сифатли таълим берувчи, интеллект ва маданиятни ривожлантирувчи олий ўқув юртлари – улар ғурур ва ифтихор манбаига айланди.

10. Таълимнинг глобаллашуви натижасида олий таълим муассасалари «илм-фан асоси» ва «умумий маданият муассасаларига» айланмоқда. Янгича ёндашувларга кўра, олий таълим шакли ўз лигитимлигини таълим олиш ва тадқиқот, жараён ва натижা, институтционаллик ва индивидуаллик синтезини амалга оширувчи маданиятдан олади

Фойдаланилган адабиётлар

1. АҚШда таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар сони 12,9 фоизга ўсди. kun.uz/Ўзбекистон 15.11.2018 6957

2. Фалькова Е.Г. Межкультурная коммуникация в основных понятиях и определениях. Методическое пособие. СПб.: Ф-т филологии и искусств СПбГУ, 2007. –С. 53-54.
3. <https://buyukkelajak.uz/uz/olij-talimning-tanazzuli-millatnin/> (Олий таълимнинг таназзули миллатнинг қулашидир ёхуд олий таълим вазирига очиқ хат).
4. <https://buyukkelajak.uz/uz/olij-talimning-tanazzuli-millatnin/> (Олий таълимнинг таназзули миллатнинг қулашидир ёхуд олий таълим вазирига очиқ хат).
5. Давлетов С. Таълим хизмати экспорти – олий таълимни байналмилаллаштириш омили. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. 2013. №6. –Б. 3.
6. Талабамисиз? Унда ўз стартапингиз билан «Creative Spark» дастурида қатнашишингиз мумкин. 2019, 17 январь. Кун.уз., Ўзбекистон.
7. ОТМнинг асосий фаолияти (2010-2011 ўқув йили бўйича кўрсаткичлар)” ОЎМТВ статистик тўплами. – Тошкент.: 2011. – Б.129
8. Лутфуллаев П. Особенности интернационализации высшего образования: международный опыт // Перспективы развития высшего образования / Отв.ред М.А. Рахматуллаев –Ташкент.: Вита колор. 2014. – С. 75. .
9. European integration in higher education: the bologna process towards a european higher education area, Hans de Wit, University of Amsterdam, the Netherlands, © Springer 2007
10. Altbach, Philip G. 2004. “The Costs and Benefits of World-Class Universities.” Academe 90 (1, January-February). Retrieved April 10, 2006, from <http://www.aaup.org/AAUP/pubsres/academe/2004/JF/Feat/altb.htm>.
11. Гельмголц Г. Об академической свободе в немецких университетах//Отечественные записки,2003. №6.(15). – С. 29-33
12. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. Academicia: an international multidisciplinary research journal. 2020;10(12):1014-20.
13. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. Вестник Ошского государственного университета, (3), 38-42.
14. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
15. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.7 Philosophical sciences).
16. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences, 1(3), 79-86.
17. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. Canadian Social Science, 16 (2), 55-59 p.
18. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. European science review, (7-8).

19. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
20. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation*. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
21. Bakhromovich, S. I. (2022). Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*, - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83